

ЎҚОТАР ҚУРОЛ ЎҚ ДОРИЛАР ВА ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ

Абдухолиқов Хожиакбар Тўланбой ўгли
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси курсанти

ABSTRACT:

The article deals with the application of the concept of firearms in international and national law, the use and use of firearms by law enforcement agencies, the implementation of preventive measures in the use of firearms, the use of firearms and law enforcement. improvement of the legal norms on the use and application of firearms by law enforcement agencies

Keywords: Firearms, Use of firearms, Human rights and freedoms, Administrative coercion, Last resort, Precautionary measures, Special right, Subject of special right, Law enforcement agency, State body.

АННОТАЦИЯ:

Мақолада ўқотар қурол тушунчасининг халқаро ва миллий қонунчилигимизда қўлланилиши, ҳуқуқ-тартибот органларини ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллаш амалиёти, ўқотар қуролдан фойдаланган ҳолда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликка қарши чора сифатида ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллаш тартиби, шартлари, шунингдек мажбурлов чораларини ўқотар қурол воситасида амалга ошириш, жамоат хавсизлигини таъминлашни амалга оширувчи органларнинг ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллашга оид ҳуқуқий нормаларини такомиллаштиришни назарда тутди.

Калит сўзлар: Ўқотар қурол, Ўқотар қуролдан фойдаланиш, Ўқотар қуролни қўллаш, Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, Маъмурий мажбурлов чораси, Сўнгги чора, Эҳтиёт чораси.

АННОТАЦИЯ:

В статье рассматриваются вопросы применения концепции огнестрельного оружия в международном и национальном законодательстве, применения и применения огнестрельного оружия правоохранительными органами, применения превентивных мер при применении огнестрельного оружия, применения огнестрельного оружия и правоохранительной деятельности. Совершенствование правовых норм по применению и применению огнестрельного оружия правоохранительными органами.

Ключевые слова: Огнестрельное оружие, Использование огнестрельного оружия, Применение

огнестрельного оружия, Права и свободы человека, Административное принуждение, Крайняя мера, Меры предосторожности, Специальное право, Особый субъект права, Правоохранительный, Орган.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва Ўзбекистон қонунчилигини халқаро конвенцияларда кўрсатилган нормаларга ҳамоҳанг тарзда олиб бориш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш баробарида, шахс сифатида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг 29 июлда “Қурол тўғрисида” ЎРҚ-550-сон қонун¹ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида қурол билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сезиларли вазифа ва мажбуриятларни юклайди. Ушбу қонуннинг мақсади: қурол ва унинг ўқ-дорилар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мулкни ҳимоя қилишга ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган деб белгиланган бўлсада, ўқотар қуролга эгалик қилувчи ҳар бир шахснинг ўқотар қурол воситасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Шундай экан, Республикаимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш оранларининг ўқотар қуролдан фойдаланиши ва қўллашнинг тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади деб ўйлаймиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган. Шу билан биргаликда “Қурол тўғрисида”ги қонунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлиги, Ўзбекистон Республикасининг қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг виждонан бажарилиши асосий принциплар сифатида кўрсатилган.

Ўқотар қурол тушунчасига таъриф беришдан аввал халқаро ҳуқуқий нормаларга мурожаат қилишимиз зарур. Зеро, Конституциямизнинг муқаддимаси, “Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда” жумлалари билан бойитилган.

“Ўқотар қурол” деганда, ўт очадиган, ясалган ёки ўққа тутилиши ёки портлаш энергиясидан тезлашиши мумкин бўлган ҳар қандай кўчма қурол тушунилади, антик

¹ “Қурол тўғрисида” ЎРҚ-550-сон қонун

Ўқотар қуроллар ёки уларнинг моделлари бундан мустасно. Антик ўқотар қуроллар ва уларнинг моделлари ички қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонунида ўқотар қурол тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Ўқотар қурол - порох ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келувчи аслаҳа билан нишонни масофадан туриб механик уриш учун мўлжалланган қурол. Ўз навбатида қонунчилигимизда ўқотар қуроллар мўлжалланилган мақсади ҳамда асосий параметрлари ва тавсифларига кўра фуқаровий қурол, хизмат қуроли ва жанговар қурол турларига бўлинади.

Дунёнинг ривожланган давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида, жамоат ҳавфсизлигини таъминловчи органлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларда, ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллаш бўйича нормаларни учратамиз. Негаки, ўқотар қурол ҳуқуқбузарликларпрофилактикасида, уни олдини олишда ва бартараф қилишда маъмурий чоралардан бири ҳамда ўзига хос воситадир.

Шу билан бирга, қонунчилигимизда “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”, деб кўрсатилган.

Жумладан, қонун билан белгиланган бир қанча таъқиқлар мавжудки, улар: биринчидан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш; иккинчидан, давлат ҳавфсизлиги, жамоат тартиби ва аҳоли саломатлиги ва ахлоқ қоидаларини сақлаш мақсадида” таъқиқлар қўйилиши мумкинлигини кўрсатади.

Демократик ҳуқуқий жамиятда давлат мажбурлови қонунийлик режими шароитида ўз-ўзидан амалга киритилмайди. Шунга ўхшаш ҳуқуқий нормани қўллаш бўйича махсус фаолиятга бўлган эҳтиёж, асосан давлат мажбурловидан фойдаланиш зарарати билан белгиланади. Ушбу ҳуқуқий нормалар давлат мажбурловини қатъий белгиланган шароитда қўллашни назарда тутади. Амалда эса, у фақат қонун ваколат берган органлар томонидангина қўлланилади. Бу органлар давлат мажбурлов чораларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, ўринлиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишлари, зарур ҳолларда қонунда назарда тутилган доирада уларни қўллаш тартибини белгилашлари, яъни индивидуал-ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширишлари шарт.

Г.И.Калмыковнинг фикрига кўра, мажбурлаш қонунда белгиланган мажбурлов чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Қонунга хилоф ҳаракатларга тааллуқли қонун ҳужжатларида назарда тутилган муайян шарт- шароитларнинг пайдо бўлиши, давлат мажбурловини қўллаш учун асос бўлади. Маъмурий мажбурлов чоралари жамоат муносабатларига ҳуқуқий таъсирни акс эттиради, бу жамоат муносабатларининг нормал ривожланишини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг амалда бажарилишини таъминлайди, ноқонуний хатти- ҳаракатлар натижасида келиб

чиқадиган тўсиқларни йўқ қилади, ҳуқуқбузарликни олдини олади ва тугатади, бунинг учун жазолайди, бузилган тартибни тиклайди.²

Ҳуқуқ-тартибот органлари маъмурий мажбурлов чораларини амалга оширишда ўқотар қуролдан фойдаланадилар ва қўллайдилар. Бир қарашда бу табиийдек кўринади, шунингдек ушбу давлат органларининг фаолиятини ўқотар қуролсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун, биринчи навбатда ўқотар қуролдан фойдаланиш моҳиятини очиб беришни лозим топдик.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳам, уни қўллаш ҳам қонуний ҳатти-ҳаракат эканлиги сабабли, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш фақатгина муайян ҳуқуқ субъектларининг ваколати доирасида амалга оширилади. Шунга кўра, ушбу институт ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бухуқуқни қўллаш шакли билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни содир этиш натижасида ҳуқуқий оқибат келиб чиқади. Юқорида таклиф сифатида киритилган қоидаларни Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонуннинг тегишли бандларига ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларининг ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларига киритилса, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган бир қатормуаммолар ўз ечимини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/4445288>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:“Ўзбекистон”, 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:“Ўзбекистон”, 2019 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/4445288>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/4445288>
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:“Ўзбекистон”, 2019 йил.
7. Калмыков Г.И. Правовые, организационные и тактичэские основы применения огнестрельного оружия сотрудниками органов внутренних дел. 2003 г. Канд. Дис. С.20.

² Калмыков Г.И. Правовые, организационные и тактичэские основы применения огнестрельного оружия сотрудниками органов внутренних дел. 2003 г. Канд. Дис. С.20.